

Нон ўғирлиги



09:00 / 25.05.2022 6798

Америкадаги бир дўконда ўғирлик содир этган ўн беш ёшли бола қўлга олинди. Бола ўғирлик қилиб, қочаётганда пештахталардан бирини синдириб қўйган эди. Судя воқеа тафсилотларини эшитгач, боладан сўради:

- Ростан ҳам бирон нарса ўғирладингми? Нон ва пишлоқ ўғирлаб, пештахталардан бирини синдирдингми?

Бола хижолат бўлиб, бошини қуйи солган ҳолда:

- Ҳа, - деди.

Судя сўради:

- Нега ўғирладинг?

- Муҳтож эдим.
- Ўғирламасдан сотиб олсанг бўлмасмиди?
- Пулим йўқ эди.
- Ота-онангдан пул сўрашинг мумкин эди-ку?
- Менинг фақат бемор онам борлар, тўшакда ётибдилар, ҳеч қаерда ишламайдилар. Нон ва пишлоқни онам учун ўғирладим.
- Сен-чи? Ишламайсанми, бирор вазифанг йўқми?
- Машиналар ювиш жойида ишлардим. Онамни хурсанд қилай, деб бир кунга рухсат сўрагандим, шунинг учун улар мени ишдан бўшатиб юбордилар.

Йигит билан суҳбат тугагач судя ҳукми эълон қилди:

«Ўғирлик содир этилган, хусусан, нон ўғирлиги. Бу жудаям хижолат қилдирадиган жиноят. Шу ердаги ҳаммамиз ушбу жиноят учун масъулмиз. Шу залда йиғилганларнинг барчаси, уларнинг орасида мен ҳам борман, бу жиноят учун жавобгармиз. Энди шу ерда тўпланган ҳар бир киши ўн доллардан жарима тўлайди, ўн доллар бермай туриб залдан ҳеч ким чиқиб кетмайди».

Судя шу ҳукми эълон қилгач, ҳамёнидан ўн доллар чиқарди. Кейин қўлига ручка олиб ҳукмининг қолган қисмини ёзди:

«Юқоридагига қўшимча равишда, очликдан қийналаётган болани полицияга топширган дўкон соҳиби минг доллар жарима тўласин, деб ҳукм чиқардим. Агар у бир соат ичида жаримани тўламаса, дўкон ёпилади».

Суд залида ўтирганларнинг ҳаммаси боладан узр сўраб, йиғилган маблағни унга бердилар. Судя залдан чиқар экан кўзёшларини яширишга уринарди. Залда ўтирганлар чиқарилган ҳукми эшитиб, кўзлари ёшга тўлди.

Зални тарк этаётган судя: «Агар нон ўғирлаган бирорта шахс қўлга олинса, барча фуқаролар, шу давлатда яшаётган жамият аъзолари хижолатда қолишлари керак», – деб қўшимча қилди.

Араб тилидан таржимон: Нозимжон Ҳошимжон

Муҳаррир: Абдулазиз Раҳим